

Беадаблик: Амалга ўтирсанг, ўзингдан кетма!



19:00 / 09.01.2022 2000

Журналист титаник конструктори Томас Эндрюсдан кеманинг қуввати ва хавфсизлиги ҳақида сўраганида Эндрюс: «Бу кема чўкмайдиган кема. Ҳатто Яратган ҳам буни чўктира олмайди!», деган эди.

Озгина вақт ўтмасдан Эндрюс Аллоҳнинг биргина кичкина айсберг номли аскарни нималарга қодирлигини ўз кўзлари билан кўрди.

Башариятнинг барча гуноҳини тарозунинг бир палласига, Аллоҳга нисбатан беадаблигини иккинчи палласига қўйилса ана шу иккинчи палла оғир келади.

Аллоҳ таоло осий бандасига муҳлат беради. Кишилар «нега Аллоҳ буни жазоламаяпти?», дея Аллоҳнинг ҳалимлигидан ҳатто ҳайронлар қолишади. Аммо Аллоҳга беадаблик қилганларнинг жуда ҳам озчилиги бу дунёда омон қолган.

Намруд, Фиръавн, Қорун, Од қавми, Самуд қавми, Лут қавми бунга ёрқин далил. Бу Аллоҳнинг коинотдаги қонунидир.

Мисрлик Ҳамза Басюний исмли киши Миср қамоқхоналарида сиёсий-диний маҳбусларга азоб бериш билан шуғулланар эди. У маҳбусларга азоб бериб туриб: «Қани ўша Аллоҳнинг? Керак бўлса Уни ҳам қозиққа ўтқазаман!», деб

оғзидан тупук сачратиб бақирар эди. Бир куни унинг машинаси темир-терсак тўлдирилган юк машинаси билан тўқнашиб кетди. Бир темир Ҳамза Басюнийнинг оғзидан кириб орқасидан чиққан эди. Унинг танасидан темирни суғуриб олиш учун танасини майдалашди.

Баъзи инсонлар салгина амалга минса ўзидан кетиб, баъзи ҳолларда ўзини «худоман» деб ҳам юборади.

Башарият Аллоҳга адабсизлик қилар экан, Унинг қудрати ажойиботларини албатта кўради!

Абдулқодир Полвонов